

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 260-ҳадис

260 - *Абу Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан бир киши ўтиб қолди. Ҳузурларида ҳам бир киши ўтирган эди, «**У ҳақда фикринг қандай?**» дедилар. У: «Бу киши одамларнинг улуғларидан. Аллоҳга қасамки, бу совчи қўйса, қиз беришга, шафоатчилик қилса, шафоати қабул бўлишига лойиқ одам», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сукут қилдилар. Кейин яна бир киши ўтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна унга: «**У ҳақда фикринг қандай?**» дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу киши мусулмонларнинг фақирларидан. Совчи қўйса, қиз бермасликка, шафоатчилик қилса, шафоати қабул бўлмаслигига, сўзласа, сўзига қулоқ солмасликка лойиқ», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Мана шу (камбағал киши) ер юзи тўла анавинга ўхшаганлардан яхши**», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

1. 260. Абу Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан бир киши ўтиб қолди. Ҳузурларида ҳам бир киши ўтирган эди, «**У ҳақда фикринг қандай?**» дедилар. У: «Бу киши одамларнинг улуғларидан. Аллоҳга қасамки, бу совчи қўйса, қиз беришга, шафоатчилик қилса, шафоати қабул бўлишига лойиқ одам», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сукут қилдилар. Кейин яна бир киши ўтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна унга: «**У ҳақда фикринг қандай?**» дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу киши мусулмонларнинг фақирларидан. Совчи қўйса, қиз бермасликка, шафоатчилик қилса, шафоати қабул бўлмаслигига, сўзласа, сўзига қулоқ солмасликка лойиқ», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Мана шу (камбағал киши) ер юзи тўла анавинга ўхшаганлардан яхши**», дедилар».

Муттафақун алайҳ.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI